Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обунанинг 1 сўм 50 тиини. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 22 декабрь, сешанба № 251 (21.349).

Президент Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Миср Араб Республикасига қилган давлат ташрифи ғоятда самарали бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегациясининг Миср Араб Республикасига ташрифи жуда баракали бўлди: ташқи ва ички сиёсатда сулҳпарварлик ва тараққийпарварлик этагини маҳкам тутган Миср оламга юз очаётган ёш Ўзбекистон давлати сиймосида янги маслакдош ва ҳамкорни таниди. Миср мамлакати минг йилдан кўпроқ давом этган ташқи истибдод тегирмонидан бутун чиқиб, бугун ўз дилбарлигини оламга кўз-кўз қилаётган экан, демак, бир ярим аср истибдод жафосини тортган Ўзбекистон ҳам келажакда машҳур мамлакатга айланғуси!

Суратда: делегация аъзолари гилам фабрикасида.

Р. ҒАФУРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон—Миср қўшма ахбороти

Миср Араб Республикасининг Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак жаноби олийларининг расмий таклифига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари 1992 йил 15 декабрдан 17 декабргача Миср Араб Республикасига сафар қилиб қайтди.

Президент Ҳусний Муборак билан Президент Ислом Каримов бир неча бор музокара ва учрашувлар ўтказишди. Уларнинг музокара ва учрашувлари дўстона, амалий муҳитда ўтди. Президентлар ва иккала делегация аъзолари икки ёқлама муносабатларни, шунингдек, ўзаро манфаатлар доирасидаги муҳим масалаларни муфассал муҳокама қилдилар.

Томонлар дўстона муносабатларни кенгайтириш мақсадида икки мамлакатнинг миллий манфаатларига мос келадиган Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини ривожлантиришга оид аниқ-равшан чоратадбирларни кўриб чиқдилар.

Суҳбатлар чоғида томонлар иккала мамлакатда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар, шунингдек, турли халқаро муаммолар хусусида фикрлашиб олдилар. Томонлар икки ёқлама муносабатларни узлуксиз ривожлантиришга, шунингдек, иккала қитъада тинчлик ва барқарорликни сақлашга оид масалалар хусусидаги қарашларини мувофиқлаштириш учун турли поғоналарда мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туриш муҳимлигини таъкидладилар.

Томонлар Яқин Шарқда ҳар томонлама, мустаҳкам ва одилона тинчлик ўрнатишга БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг 242 ва 338-қарорларини амалга ошириш, Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш асосида фақат тинч сиёсий воситалардан фойдаланиш орқалигина эришиш мумкинлигига ишончлари комил эканини тасдиқладилар. Улар Яқин Шарққа бағишлаб ҳозир давом этаётган сулҳ музокараларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Томонлар БМТ Низоми ва бошқа халқаро ташкилотларнинг мақсад ҳамда қоидаларига содиқ эканликларини изҳор этдилар. Бу мақсад ва қоидалар суверенитетни ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, тинч-тотув яшаш ва ўзаро ишонч, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликдан иборат. Томонлар Босния ва Герцеговинадаги ҳамда Сомалидаги воқеаларга жаҳон жамоатчилигининг ва халқаро ташкилотларнинг эътиборини жалб этиб, бу жойлардаги барқарорликни сақлаш, можароли вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш хусусидаги БМТ қарорлари ва амалий ташаббуслари муҳим эканлигини эътироф этдилар. Ўзбекистон томони Тожикистонда вужудга келган аҳволни батафсил тушунтириб, унинг таҳликали эканлигини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислом Каримов билан Президент Ҳусний Муборак «Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги муносабат ва ҳамкорлик асослари тўғрисида битим» имзоладилар. Бу ҳужжат иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини очади.

Амалий мулоқот ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар натижасида қуйидаги икки томонлама ҳужжатлар имзоланди:

1. Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасида сармоя сарфланишини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Миср Араб Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Миср Араб Республикаси ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови ва ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим.

Ўзбекистон томони делегация аъзолари Миср Араб Республикасида бўлган вақтда уларга кўрсатилган меҳмондўстлик учун ташаккур изҳор этди.

Президент Ислом Каримов Президент Ҳусний Муборакни Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюришга таклиф қилди.

Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди. Ташриф муддатлари дипломатия йўли билан аниқлаб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш соҳасидаги катта хизматлари, илм-фанга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат турмушидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

Йўлдошев Шукурулла Убайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»

Шурова Людмила Георгиевна — институтнинг суғоришни механизациялаш бўлими бошлиғи.

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Аугамбаев Муса Аугамбаевич — пахта териш аппаратларини яратиш лабораториясининг раҳбари

Аҳмаджонов Маматхон Аҳмаджонович — лаборатория раҳбари

Рашидов Носир — институт бўлим мудири

Султонов Сайидкарим — институт бўлим мудири

Ҳожиев Абдумуталиб — институт директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 14 декабрь.

СЕМИНАР КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари котибиятлари бошлиқлари ҳамда умумий бўлимлари мудирларининг давлат идораларида ҳужжатлар билан ишлаш, фуқаролар ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш, Ўзбекистон Президенти Фармонлари ижросини назорат қилиш, мукофотлашга ҳужжатлар тайёрлаш тартибқоидаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бош ва етакчи консультантлари маърузалар қилишди ва тажриба алмашишди.

ТАРҒИБОТЧИЛАР ГУРУҲИ ЖЎНАБ КЕТДИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ўзининг навбатдан ташқари мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси якунларини кўриб чиққан эди.

Ушбу мажлис қарорига мувофиқ, куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоларидан, партия аъзолари бўлмиш халқ депутатларидан, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, жамоатчилик вакилларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва районларга жўнаб кетди.

Улар Республика Олий Кенгашининг XI сессияси якунлари, мустақил Ўзбекистоннинг унда кабул қилинган биринчи Конституцияси, мамлакат Президенти, партия Раиси И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқини партиянинг барча кенгашлари ва ташкилотларида кенг мухокама этиш, меҳнат жамоалари ва аҳоли ўртасида атрофлича тушунтириш ишларида бевосита иштирок этадилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

БИР САФДА ИСТИҚБОЛ САРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НУКУС ШАҲРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАРДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз юртдошлар!

Ҳурматли дўстлар!

Сизларни, Қорақалпоғистон Республикасининг барча меҳнаткашларини, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти номидан, шахсан ўз номимдан Нукус шаҳрининг 60 йиллик тўйи билан чин юракдан табриклайман! Барчангизга кучқувват, омонлик, ишларингиз ва ҳаётингизда бахт-саодат тилайман!

Ҳаммангизга маълумки, мустақиллик ва озодлик йўли ҳеч қачон енгил бўлган эмас. Биз бугун халқимизнинг юз йиллар давомидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун Ўзбекистонимиз, она юртимиз — гўзал Тошкентдан тортиб то Орол бўйларига қадар маконда фаровон яшаш, жаҳондаги етук мамлакатлар сафидан ўрин эгаллаш ва умуминсоний тараққиёт йўлига чиқиб олиш учун дадил одимлар ташладик.

Ўзбекистонда тинчлик ва тотувликни барқарор этиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Мен Президент сифатида узоқ ўтмишдан буён оға-ини бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тақдири учун ўзимни бирдек жавобгар ҳис этаман ва уларнинг истиқболи учун бутун борлиғимни бахш этишга тайёрман.

Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири — бу Қорақалпоғистоннинг ҳам тақдиридир. Ўзбек халқининг келажаги —қорақалпоқ халқининг ҳам келажагидир.

Биз бугун Қорақалпоғистон Республикаси тараққиётига жуда катта умид ва ишонч билан қарамоқдамиз. Иншоолло, бу орзу—умидларимиз, албатта, рўёбга чиқади.

Азиз дўстлар!

Бугун асрлар давомида эзилган, камситилган, шаъни ва ғурури топталган элюртимизнинг эзгу ниятларига эришдик. Мустақил давлат қураяпмиз. Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, куч-қувватга тўлиши, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимизнинг маънавий савияси, ғурури ва фахри нечоғли юксак бўлишига боғлиқ.

Ўзбекистонда том маънода маданий демократик республика шакллана бошлади. Биз ўзимизга хос иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришдик. Бундан уч-тўрт йил бурун биргина Қорақалпоғистон Республикасининг ўзида турли соҳаларда ўнлаб хорижий фирмалар, қўшма корхоналар фаолият бошлашини тасаввур қилиш мумкинмиди?! Йўқ, албатта.

Ҳаммаларингизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида умумхалқ муҳокамасидан кейин янги Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Конституцияси якдиллик билан тасдиқланди. Конституция қабул қилинган 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинди.

Асосий қонунда Ўзбекистон таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида боб бағишланган. Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Ўзбекистон билан Қорақалпоғистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар икки республика ўртасида тузиладиган шартномалар ва келишувлар асосида тартибга солинади. Бу бизнинг тарихий бирлиғимиз ва қондошлиғимиздан келиб чиққан улкан хулосадир.

Ушбу тарихий воқеани бу ерда яна бир бор таъкидлаётганимнинг сабаби, Нукус — Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик иккинчи йирик марказдир.

Нукус — қорақалпоқ халқининг бу ерда яшаётган барча миллат вакиллари иштирокида дўстлик, биродарликнинг мустаҳкам пойдевори устида қад кўтарган гўзал ва навқирон шаҳардир.

Нукус бамисоли саҳро ичида инсон қўли яратган мўъжиза, кўркам жавоҳирдир.

Биз бугун Нукус шаҳрининг таниб бўлмас даражада ўзгариши, тараққий этишида кўплаб фидойи инсонлар, шу жумладан, оқсоқол Қаллибек Камоловнинг ҳам талай хизматлари борлигини эсламай ўтолмаймиз.

Шаҳарлар ҳам аслида инсонларга ўхшайди. Уларнинг ҳам ўз қисмати, ўтмиши, келажаги бор. Уларнинг ҳам халқ тарихида ажойиб ўрни ва улуши бор ва бу нарса, айниқса, халқнинг, миллатнинг тақдирида катта аҳамиятга эгадир.

Нукус шаҳрининг бугунги жамолига қараб унинг ўтмишда кичкина бир овул бўлганини тасаввур этиш қийин. 1930 йил 12 ноябрда Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси Нукус овулини республика марказига айлантиришга қарор қилди. Овулда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Икки йил ўтгач, Нукус Қорақалпоғистоннинг пойтахти қилиб белгиланди. Шундан бошлаб шаҳар чинакам маънода республиканинг юраги бўлиб қолди.

Нукус — саноат шаҳри. Унда неча ўнлаб корхоналар, жумладан, металлсозлик, бинокорлик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, полиграфия ва бошқа корхоналар бор.

Нукус — илм-фан, маданият маркази. Мен бу ерда академия тармоқларини, университетни, театрни, институтларни, Ёзувчилар уюшмаси, музей ва бошқаларни назарда тутмоқдаман.

Нукус республиканинг энг катта транспорт тармоғидир. Хуллас, Ўзбекистоннинг энг ёш ва кўркам шаҳарларидан бири бўлмиш ўзининг табаррук оғалари неча минг йиллик тарихга эга Нукус Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Термиз каби шаҳарлар сафида ёрқин келажак сари шаҳдам одим ташламоқда.

Қорақалпоқ халқи тарих синовларидан ёнма-ён яшовчи ўзбек, рус, қозоқ, туркман ва бошқа элатлари билан бирга ўтди. Бугун бу халқлар оёққа туриб, ёнма-ён ишлаб, турмуши, маданияти уйғун бўлиб, камолотга етдилар. Қуда-анда, қариндош бўлиб кетдилар. Бу яхши одат ва анъаналар бизга ота-боболардан мерос бўлиб ўтган. Уларни зинҳор эсдан чиқармаслигимиз керак.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик саҳифалари рангбарангдир. «Келарму яхши кунлар халқ учун» деб ёзган қалби ёниқ шоир Бердақ Алишер Навоийни ўзининг устози ҳисобларди. «Навоийдан савод очдим» дея ғурурланган эди шоир.

Кунҳўжа, Ажиниёз, Бердақлардан бошланган қорақалпоқ адабиёти гуркираб ўсди. Қорақалпоқ адабиётининг энг сара асарлари, «Қирққиз», «Шаҳриёр» «Маспошша» каби халқ эпослари аллақачон ўзбек тилига ўгирилган ва улар севиб ўқилмоқда. Шуларнинг таъсирида жуда кўп ўзбек оилаларида Гулойим, Шаҳриёр деган исмлар қўйилиши ҳам табаррук анъанага айланди.

Аббос Добилов, Содиқ Нуримбетов, Асан Бегимов, Жўлмирза Оймирзаев, Тиловберган Жумамуротов, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов каби адибларнинг асарлари ҳам бугунги кунда ўзбек тилида юксак жаранг бериб турибди.

Кўпгина қорақалпоқ олимлари, адиблари, санъаткорлари Ўзбекистоннинг юксак унвонларига, ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлганлар. Куни кеча кўп йиллик ҳалол меҳнати, халқимиз олдидаги хизматлари, жамоат турмушидаги фаол иштироки учун Қорақалпоғистон Республикаси маданият жамғармасининг раиси таниқли шоир Ибройим Юсуповга Ўзбекистон халқ шоири юксак унвони берилди.

Қорақалпоқ — ўзбек адабий ва маданий алоқалари халқларимизнинг ўтмиши, тили, жуғрофий шароити каби бир-бирига яқин ва узоқ тарихга эга.

Азиз ватандошлар!

Сизу бизни қаттиқ ташвишга солиб келаётган бир муаммо ҳақида тўхталмоқчиман. Бу — Қорақалпоғистондаги экологик вазият, халқ соғлиғи, қуриб бораётган якка-ю ягона денгизимиз — Орол тақдири масаласидир. Илгари совет мафкураси замонида бор ҳақиқат яширин тутиларди, ҳар қандай рост гап йўли тўсиларди. Бугун биз аҳволни яширмаймиз, борини айтамиз, чунки бу муаммо нафақат қорақалпоқнинг, ўзбекнинг ташвиши, балки бутун жаҳон дардига айланди. Ҳақиқатан ҳам Қорақалпоғистонда экологик вазият оғир. Муаммоларнинг ҳаммаси Орол денгизи тақдири билан боғлиқ.

Орол денгизи ҳақида талай қарорлар чиққанини биласиз. Натижаси эса маълум — кўп нарса одатдагидек қоғозда қолиб кетди. Сабаби — тақдиримизни бошқалар ҳал этиб келгани. Энди масала жиддий қўйиладиган пайт келди.

Орол — Туркистон ҳудуди марказида жойлашган ягона денгиз. Табиийки, унинг тақдири бутун мустақил Туркистон давлатлари тақдири билан чамбарчас боғланиб кетади.

Ҳулласи калом, Орол тақдири билан биргаликда шуғулланишимиз керак. Бунинг учун Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон Орол деган давлатлараро қудратли ягона ташкилот тузмоқлари керак.

Бу халқаро ташкилот бугун тўйи нишонланаётган навқирон Нукус шаҳрида жойлашиши лозим деб ҳисоблайман. Бу масалаларни бевосита ҳал қилишда ўнғайлик туғдиради, Нукуснинг халқаро мавқеини янада кўтаради.

Мен бугунги шодиёна кунда Қорақалпоғистон деҳқонлари, чорвадорлари меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Сизларга қанча иззат-икром кўрсатсак оз!

Қорақалпоқ халқи, шоир айтганидек, «юраги қобирғасидан кўринган» очиқ, саховатли халқ. Ёшлари софдил ва шижоатли, кексалари оқил ва донишманд халқ. Бу халқ ўз меҳнати, бунёдкорлик даҳосини кўрсатадиган замонлар келди! Бунинг учун барча имкониятлар бор.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшаётган ҳар бир халқ, ҳар бир элатнинг гуллаб-яшнаши, тинч ва осойишта яшашининг мустаҳкам гарови бўла олади!

Нукус шаҳрининг тўйи ҳаммамизга муборак бўлсин!

Яна бир карра барчангизга омон-эсонлик, куч-қувват тилайман. Ишларингизда омад ёр бўлсин! Оллоҳ таоло мададкор бўлсин!

НУКУС, 19 декабрь («Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари хабар берадилар). Қадрдош ва жондош Қорақалпоғистон диёрида бугун оппоқ тонг отди. Бутун ўлка азиз маскани — Нукус республика пойтахти деб эълон қилинганлигининг олтмиш йиллигини жондошқондош қардошлари аҳил даврасида пок ният-ла нишонлаш мақсадида файзли кўчалари, майдонлари ва ҳиёбонларига чиқди. Нукус бугун бамисоли сулув келиндек безанган.

Эрта тонгданоқ байрам шукуҳи авжига чиққан пайтда республика азиз меҳмонларни кутиб олди. Нукус аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошевни меҳмонлар ва мезбонлар пешвоз қарши олдилар. Кутиб олиш чоғида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг Биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков ва республика Вазирлар Кенгашининг раиси Р. Йўлдошев ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги меҳмонлар янги тўқимачилик комплексини бориб кўрдилар. Бу замонавий улкан корхона Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда қисқа муддатда қад кўтарди. Ҳозир созлаш ишлари бошланган. Комплекс йилига 25 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Унинг иккинчи навбати келгуси йили Элликқалъа районида ишга тушади. Ўшанда йилига 56 миллион долларлик кийим-кечак тайёрланади. Ўзбекистоннинг бош раҳбари Нукусдаги янги комплекснинг пахтани қайта ишлаш, ип йигирув, бўяш ва ғазлама тўқиш фабрикаларини кўздан кечирди. К рхона раҳбарлари мутахассислари ва ишчилари билан суҳбатлашди.

Кундузи соат 14.00 да Бердақ номидаги қорақалпоқ мусиқали театр биносида Нукус республиканинг маъмурий пойтахти деб эълон қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда икки ўлка раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари, қўшни республикалардан келган меҳмонлар, Қорақалпоғистоннинг нуроний фахрийлари, илғор ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар ҳозир бўлдилар. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов табрик нутқи сўзлади. У Нукуснинг навқирон ёшида эришган ютуқларини муносиб таъкидлади ва унинг байрами ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг бузилмас бирлиги тантанаси, деб таърифлади. Тантанали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. А. Аширбеков Нукуснинг олтмиш ёши ҳақида маъруза қилди.

Тантанали маросимда Президент И. А. Каримов Ўзбекистон Давлат гербининг олтиндан ишланган рамзини, Бердақ сиймоси тасвирланган чинни ваза ва Алишер Навоий расми акс эттирилган гиламни республика раҳбариятига топширди. Айни пайтда Президент И. А. Каримов Қорақалпоғистоннинг бир гуруҳ зиёлилари, ишчилари, қурувчиларига ва транспортчиларига фахрий унвонлар ва ёрлиқлар топширди.

Туркманистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Ж. Бобоқулов, Қизил Ўрда шаҳри маъмурияти бошлиғи А. Холбоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков ва республикамиз барча вилоятлари ҳокимлари қатнашчиларни Нукуснинг 60 ёши муносабати билан табриклашдилар. Нукус шаҳар ҳокими Ш. Уснетдинов меҳмонларни самимий қутлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Р. Йўлдошев иштирок этдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари баланд руҳда Ўзбекистон меҳнаткашлари номига мурожаатнома қабул қилдилар.

Нукуснинг муборак тўйига атаб республика санъат усталари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросида катта байрам концерти қўйиб берилди.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ҲОКИМИЯТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИДОРАЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари бузилмаслигига асосланиб ҳамда халқ қонуний тарзда сайлаб қўйган ҳокимият идораларига қарши қаратилган фаолиятга йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

I. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ҳамда улар асосида қабул қилинган қонунларда белгилаб берилган ҳокимият конституциявий идораларининг ваколатларини ўзгартиришга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳокимият конституциявий идораларининг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ёҳуд Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган тартибдан фарқли ўлароқ тарзда ҳокимият тузилмаларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ҳамда қонунга биноан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Ҳокимият конституциявий идораларининг ваколатларини ўзлаштириб олган идоралар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари чиқарган қарорларни белгиланган муддатда бажармаслик,—

сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан уч йилдан беш йилгача муддатга маҳрум этиш билан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз ҳиссасигача бўлган миқдорда жарима солиш билан жазоланади».

3. Қонун русча матнидаги Махсус қисмнинг биринчи боби сарлавҳасида «государственные преступления» деган сўзлар «преступления против государства» деган сўзлар билан, «Особо опасные государственные преступления» ҳамда «Иные государственные преступления» деган кичик сарлавҳалар эса «Особо опасные преступления против государства» ҳамда «Иные преступления против государства» деган кичик сарлавҳалар билан алмаштирилсин.

4. 54-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«54-модда. Давлатга хиёнат қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан давлатга хиёнат қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига, унинг ҳудудий даҳлсизлигига ёки давлат хавфсизлигига ва мудофаа қудратига зарар етказиш мақсадида қасддан содир этилган хатти-ҳаракатлар: душман томонига ўтиш, жосуслик қилиш, чет эл давлатига, давлат ёки ҳарбий сирларни ошкор қилиш; чегарадан ташқарига қочиб ўтиш ёки чет элдан Ўзбекистон Республикасига қайтишдан бош тортиш, Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолиятини олиб боришда чет давлатга ёрдам бериш, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки қилмасдан ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм қилиш билан жазоланади.

Изоҳ. Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти юргизиш учун чет эл разведкаси томонидан ёлланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, агарда у топширилган жиноий вазифани адо этиш йўлида ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан, ўзининг чет эл разведкаси билан алоқаси борлигини ихтиёрий равишда ҳокимият идораларига маълум қилса, жиноий жавобгарликдан озод этилади».

5. 55-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55-модда. Жосуслик.

Давлат сири ёки ҳарбий сир бўлган маълумотларни чет эл давлатига, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентларига ошкор қилиш, шунингдек бу маълумотларни уларга бериш мақсадида ўғирлаш ёки тўплаш, агарда жосуслик чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан қилинган бўлса, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан етти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади.

Изоҳ. Ўзи содир этган ҳаракатлар тўғрисида ҳокимият идораларига ихтиёрий равишда хабар қилган шахс, башарти у Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига зарар етказмаган бўлса, ёҳуд унинг хабари асосида кўрилган чора-тадбирлар туфайли давлат учун зарарли оқибатлар келиб чиқишининг олди олинган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилади».

6. Кодекс қуйидаги мазмундаги 55—1-моддаси билан тўлдирилсин:

«55—1-модда. Ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида таъсир ўтказиш мақсадида фитна уюштириш.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштириш, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади.

Изоҳ. Фитнада қатнашган ва бу ҳақда ихтиёрий равишда ҳокимият идораларига хабар қилган шахс, башарти, унинг хабари асосида кўрилган чоралар туфайли фитнадан кўзланган мақсадни амалга оширишнинг олди олинган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилади».

7. 56-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ҳокимиятига зарба бериш ёки уни заифлаштириш мақсадида давлат ёки жамоат арбобини ёҳуд ҳокимият вакилини унинг давлат ёки жамоат фаолияти муносабати билан ўлдириш, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади».

8. Кодекс қуйидаги мазмундаги 57—1-модда билан тўлдирилсин:

«57—1-модда. Ажнабий давлатларнинг ваколатхоналарига, халқаро миқёсда қўриқланадиган бошқа шахслар ва муассасаларга қарши жиноятлар.

Ажнабий давлат ваколатхоналарининг «ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган уй-жой биноларига, шунингдек ажнабий давлатларнинг ёки халқаро ташкилотларнинг вакилларига ҳужум қилиш, бу шахсларни улар вакил бўлган давлатларнинг ёки Ўзбекистон Республикаси ҳокимияти конституциявий идораларининг фаолиятига таъсир ўтказиш мақсадида тутиб гаров тариқасида ушлаб туриш, —

уч йилдан ўн йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш,—

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига юбориш билан жазоланади».

9. 58-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58-модда. Қўпорувчилик.

Ўзбекистон Республикасини заифлаштириш мақсадида портлатиш, ўт қўйиш ёки одамларни оммавий равишда қириб ташлашга, уларга тан жароҳатлари етказишга ёки уларнинг саломатлигига ўзгача зарар етказишга, корхоналарни, иншоотларни, қатнов йўллари ва воситаларини, алоқа воситаларини ёки муҳим халқ хўжалик ёхуд мудофаа аҳамиятига молик ўзга объектларни вайрон қилиш ёки унга зарар етказиш мақсадида ўзга хатти-ҳаракатлар содир этиш, шунингдек худди шу мақсадларда кўпчиликни заҳарлаш ёки эпидемия ва эпизоотиялар тарқатиш, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан махрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади».

10. 59-модда чиқариб ташлансин.

11. 68-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68-модда. Контрабанда.

Нарса-буюмларни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб, ёки кўп миқдорда, ёҳуд контрабанда билан шуғулланиш учун уюшган гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шунингдек наркотик воситаларни, таъсири кучли, заҳарли, радиоактив, портлайдиган моддалар, қуроллар ва ўқ-дориларни чегарадан ўтказиш, яъни (текис стволли ов қуроллари ва уларнинг ўқ-дориси бундан мустасно) контрабанда қилиш, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан, уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

12. 71-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71-модда. Сафарбарлик бўйича чақирилишдан бош тортиш.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларига сафарбарлик бўйича чақирилишдан бош тортиш, —

уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тўлдириш учун ўтказиладиган янги чақиришлардан бош тортиш уруш вақтида содир этилса, —

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади».

13. 73-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73-модда. Қонунсиз равишда чет элга чиқиб кетиш ва Ўзбекистон Республикасига қонунсиз кириш

Чет элга чиқиб кетиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки чегарадан ўтишда белгиланган тартибни бузиш, —

бир йилдан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шундай ҳаракатлар такрор содир этилса, —

икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Белгиланган нусхадаги паспорти ёки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун рухсати бўлмагани ҳолда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларига бу модда жорий қилинмайди».

14. 74-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«74-модда. Халқаро учиш қоидаларини бузиш.

Белгиланган тартибда рухсати бўлмагани ҳолда Ўзбекистон Республикасига учиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан учиб чиқиш, рухсатномада кўрсатилган маршрутларга, қўниш жойларига, ҳаво дарвозаларига, учиш баландлигига риоя қилмаслик ёки халқаро учиш қоидаларини бошқа тарзда бузиш,—

ҳаво кемасини мусодара қилиб ёки қилмасдан, бир йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссасигача бўлган миқдорда жарима солиш билан жазоланади».

15. 77-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сотиш ва ишлатиш мақсадида давлат пул белгиларини, давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини ёки чет эл валюталарини қалбаки ясаш, шунингдек уларни сотиш ва ишлатиш, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан уч йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

16. Қонун русча матнидаги 7—1-модданинг иккинчи қисмида «особо опасные государственные преступления» деган сўзлар «особо опасные преступления против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 22-модданинг биринчи қисмидаги «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Қонунида кўзда тутилган ҳолатларда давлатга қарши жиноят қилганлик, ССР Иттифоқи жиноят қонунларининг ҳамда ушбу Кодекснинг қасддан одам ўлдирганлик учун, жавобгарликка тортишни белгиловчи моддаларида кўрсатилган айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун, ССР Иттифоқи қонунларида махсус кўзда тутилган айрим ҳолларда эса бошқа баъзи бир алоҳида оғир жиноятлар учун ҳам ўлим жазоси — отиб ўлдириш қўлланилишига йўл қўйилади» деган сўзлар чиқариб ташланиб, улар ўрнига «давлатга қарши жиноятлар учун қонунда назарда тутилган ҳолларда оғир ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик учун, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа баъзи ўта оғир жиноятлар учун қўлланиш мумкин» деган сўзлар киритилсин.

18. Қонун русча матнидаги 23-модданинг тўртинчи қисмидаги олтинчи хатбошида, бешинчи қисмда, саккизинчи қисмидаги учинчи хатбошида, «государственные преступления» деган сўзлар «преступления против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. Қонун русча матнидаги 23—1 модданинг биринчи қисмидаги биринчи ва иккинчи бандда, 23—2-модданинг учинчи қисмидаги биринчи бандда, 33—1-модданинг учинчи қисмидаги иккинчи бандда, 50—1-моддани иккинчи бандида «государственное преступление» деган сўзлар «преступление против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 6—1-моддадаги «Ватанга хиёнат» деган сўзлар «Давлатга хиёнат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 62-модданинг сарлавҳасидаги ва матнидаги «Советларга қарши» деган сўзлар «ғайриконституциявий», деган сўзлар, русча матндаги «государственное преступление» деган сўзлар «преступление против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 65-модданинг биринчи қисмидаги «Ватанга хиёнат» деган сўзлар «Давлатга хиёнат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. Қонун русча матнидаги 79 ва 79—1-моддаларининг сарлавҳалари ва матнларидаги «государственных преступлениях», «государственных преступлений» деган сўзлар «преступлениях против государства», «преступлений против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ҲОКИМИЯТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИДОРАЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179-2-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 166-2-моддаси товар-моддий бойликларни республикадан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи мамлакатларга олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь.

Самарқанд вилоятининг «Зарафшон» газетаси 75 ёшда

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ҳазратлари ёзганларидек; «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир». Шу боис элимизда ҳар қандай қутлуғ сана, босиб ўтилган фаолият йўлини сарҳисоб қилиш, марҳумларни хотирлаш, бугунги ва истиқлол юмуш-режаларини мукаммаллаштириш белгиси остида ўтади. Бунинг эса теран ҳикмати бор. Тарихимиз бизга фақат фахрланиш туйғусини эмас, аждодлар маънавияти юксаклигига интилиш масъулиятини ҳам сингдиради.

ДАВР КЎЗГУСИ

Газетамиз таржимаи ҳоли Ўзбекистон Республикасининг заҳмат ва машаққатларга тўла кечмиши билан эгизакдир. У илк бор 1917 йил 16 апрелда «Ҳуррият» номи билан дунё юзини кўрди.

Кечагина февраль инқилоби юз берган, оқ подшо ағдарилган, Русиянинг барча мустамлакаларида ҳуррият эълон қилинган кунлар. Самарқандлик зиёлилар ҳам ана шу ҳуррият катта умид боғладилар. Туркистон жумҳурияти мустақил давлат ўлароқ истиқлол ва иқбол нашидасини сурадилар, дея орзу қилдилар. Газетанинг дастлабки сонлари ана шу руҳ, ана шу шуқуҳ шу интилиш билан суғорилди. Зеро, унга Акобир Шоҳмансур, Мардонқул Шохмуҳаммадзода, Абдурауф Фитратлар саркорлик қилдилар. Чўлпон, Ҳожи Мўмин, Саидризо Ализода сингари ижодкору маърифатпарварлар унинг тамал тошини қўйиб, оташин мақолалар, шеърларни мунтазам чиқариб турдилар.

1922 йил 27 октябрдан эътиборан у «Зарафшон» номи билан чиқа бошлади. Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар» асарида ёзилишича: «Тиражи кундан-кунга орта бориб, 80-сонидан бошлаб олти бетли қилиб чиқарилди. Мундарижа, техника, тил жиҳатидан кундан-кунга тузалиб, ўсиб, оммани ўз томонига торта борди».

Дарвоқе, бу йилларда тараққиёт миллий ўзликни англаш, илму маърифат бобида иккинчи бир уйғониш тўлқини вужудга келди. Бу борада «Зарафшон» яловбардорлик қилди. Шу йилларда Анқабой Худойбахтов, Абдумажид Зокирий, Маъруф Расулий, Абдулҳамид Мажидий, Раҳим Шокирбеков унга муҳаррирлик қилдилар.

Замона тақозоси ила у ўттизинчи йиллардан «Ленин йўли» номини олди. Коллективлаштириш, индустрлаштириш, маданий инқилоб ғулғулалари унда ўз ифодасини топди. Ҳамма қатори у ҳам коммунистик партия раҳбарлигида, марксизм-ленинизм, сталинизм ғоялари остида коммунизм ғалабаси сари уфқларга йўл солди. Муштарийлар аҳлини ана шу йўлдан мудом олға боришга ундади.

Қадриятлар баҳоси ўзгараётган ушбу кунларда ана шу «йўл» бизни ортга ёки тубсиз бир жарликка элтаётган эди, десак ҳам балки ҳазм бўлар. Аммо шундай дея олмаймиз. Зеро, Истиқлолимиз манзилига ҳам ана шу йўлнинг ўнқир-чўнқирлари, азоб-уқубатларидан ошиб, енгиб келдик.

Уруш йилларида «Зарафшон» ғалаба учун, озодлик ва мустақиллик учун курашнинг жанговар варақаси бўлди. Ўзбек ўғлонларининг жанггоҳлардаги мардлик ва матонатининг абадий йилномасини яратди.

Шароф Рашидов, Ғиёс Ашуров, Вали Ҳўжаев, Орзи Наимов, Лутфулла Ҳамроев сингари закрий ижодкору журналистлар урушдан кейин газетага саркор бўлдилар.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, «Зарафшон» ҳамиша маънавият, маърифат жарчиси бўлиб, илму урфон маркази, ижодиёт соҳасида истеъдодли кадрлар тарбиялаш маскани бўлиб келди. Эндиликда эл-юртга хизмати сингган, узоқ ўлкаларга ном таратган кўплаб адибу уламолар, шоиру фузалолар шу даргоҳда тетапоя бўлдилар, улғайдилар. Ғиёс Ашуров, Лутфулла Ҳамроев, Нуриддин Шукуров, Малик Наврўзов, Зиёд Есенбоев, Аҳмаджон Мухторов, Наим Ғойибов, Нормурод Нарзуллаев, Тоҳир Каримов, Оқилжон Ҳусанов, Суръат Орипов, Самариддин Сирожиддинов, Раҳмон Чинмирзаев, Марди Нуриддинов, Мамараҳим Мардиев... Бу рўйхатни адо қилиш қийин. Бири муҳаррир, бири академик, бири шоир. Кўпписи соғ-омону, айримлари афсуски, ҳозир орамизда йўқ. Аммо уларнинг ҳар бири шу оқсоч, заҳматкаш газета кўксида ўзининг ўчмас изини қолдирган. Инчунун, бизнинг ҳам кўксимизда, эъзозликда.

Йиллар давомида ушбу даргоҳда ўнлаб, юзлаб жонфидо, муҳтарама опа-сингилларимиз ишладилар. Зубаржад Маҳмудова, Шамсия Мелгизина, Фания Саъдиева, Сора Мавашева, Матлаб Эрмуҳаммедова... Уларнинг маънавиятимиз йўлидаги заҳмати, касбга меҳр-муҳаббати, садоқати ижодкорларимизнинг бугунги авлоди учун мудом ғўзал ибратдир.

Мухтасар айтсак, рўзнома чораккам бир аср давомида миллион-миллион хонадонларга кирди, миллион-миллион қалбларни маърифат нуридан баҳраманд этди. Халқимиз ҳаётининг мунаввар кўзгуси бўлди. Дарё мисол оқ тошиб, долғаланиб, оқ секинланиб оқди. Муҳими, ҳамиша кўзи тиниқ, сўзи аниқ, юзи ёруғ, нияти холис бўлди.

Шу жиҳатдан «Зарафшон» ўзининг иккинчи таваллудига, аниқроғи ўзлигига қайтиш онларига ёруғ юз, тоза имон, покиза виждон билан келди. Мустақиллигимиз муждасини зўр шоду-хуррамлик билан қарши олиб, Истиқлол пойдеворини мустаҳкамлаш, миллий давлатчилигимиз асосларини тиклаш учун курашга ўзини сафарбар этди.

Ҳабиб ТЕМИРОВ,
«Зарафшон» газетасининг муҳаррири.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Ҳабиб Темиров — 1954 йил Самарқанд вилоятининг Қўшработ районидаги Жўш қишлоғида туғилган.

Самарқанд дорилфунуни ва Санкт-Петербург сиёсатшунослик олийгоҳини битирган. «Зарафшон» газетасида мухбир, бўлим мудири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи» рўзномаси Самарқанд вилоятидаги ўз мухбири бўлиб ишлаган.

Ер юзида ҳаёт бошланганидан бери инсон нурга талпиниб яшайди. Алломаю донишмандлар қоронғулик бағрини чароғон қила олувчи кучни ихтиро этиш учун бош қотирдилар. Мукаммал нурни, яъни электр қуввати ихтиро этилгунга қадар асрлар ўтди. Таъбир жоиз бўлса, шамчироқ нурида электр кашф қилинди.

НУР БОРКИ, ҲАЁТ БОР!

БУГУН — ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИ



Энергетикларнинг ўз байрамларини нишонлаши анъана бўлиб қолган. Бу галги байрам ажойиб даврга тўғри келди. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ўз Қомусига — Конституциясига эга бўлди. Республиканинг мустақиллигини мустаҳкамлашда энергетика муҳим аҳамият касб этади.

Дарвоқе, Ўзбекистон энергетикасининг асли тарихи 1924 йилдан бошланган бўлиб, ўзининг ажойиб анъаналарига эга. Бу тарих энергетикамиз тўнғич корхонаси 1924 йилда Тошкент шаҳри биқинидаги Бўзсув каналида дастлабки ГЭС ишга тушиши билан боғлиқ. Катта халқ ҳашари йўли билан қурила бошланган бу станциянинг биринчи навбати — ҳар бири 1000 киловаттли иккита электр блок 1926 йилнинг май ойида фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон энергетикаси Ўрта Осиё энергетика тизимининг марказида жойлашган бўлиб, қуввати жиҳатидан унинг асосини ташкил этади. Бу тизимга Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон энергетика тармоқлари ҳам киради.

Республика энергетика тизимининг умумий қуввати 11 миллион киловатт билан ўлчанади ва 37 та иссиқлик ҳамда электр станциялар бор. Сирдарё, Тошкент, Ангрен, Навоий иссиқлик станциялари халқ хўжалиги тараққиётига муттасил мадад бериб турибди. Хонадонларимизни чароғон этиб, маиший турмушда кенг қўлланилмоқда. Ҳадемай, янги Толлимаржон ГРЭСида ҳар бирининг қуввати 800 минг киловаттли энергетика блоклари ҳам ишга тушади.

Бу йил тармоғимизда 50 миллиард киловатт-соат электр энергияси ва 26 миллион гигакалорий иссиқлик энергияси ҳосил қилинади.

Бошқа соҳаларда бўлаётган қийинчиликлар бизнинг тармоққа ҳам таллуқли, албатта. Шунга қарамасдан, бу йил Тошкент шаҳри ва вилояти халқ хўжалигининг бир меъёрида ишлаши, аҳолининг турмуш эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 500 киловольтли «Тошкент» подстанцияси, 1670 километрли узатиш тармоқлари, якка тартибда қурилаётган хонадонларни электрлаштириш ниятида 28 та электр подстанция ишга туширилди.

Эскирган ускуналарни қайта жиҳозлашга 102 миллион сўм сарфланди. Асосий ускуналардан 138 таси қайта таъмирланди. Атроф муҳит тозалигини таъминлаш учун 40 та тадбир ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу ишга 35 миллион сўм сарфланди. Энергетика тизимида биринчилар қатори автоматик бошқарув системаси (АБС) жорий қилинган. Ҳозирги кунда 500 дан ортиқ масала электр ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида ечилмоқда.

Шу тариқа мамлакатимизда ҳозир 220—500 киловольтли электр узатиш тармоғига эга қудратли Ўзбекистон энергетика тизими барпо этилди. Лекин олдимизда ечимини кутаётган бир қанча муаммолар турибди. Бу муаммолар нурхоналарни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хизматини адо этиб бўлган ускуналар ўрнига замонавийларини ўрнатиш, янги технологияларни жорий этиш, иссиқлик станцияларидан ҳавога чиқадиган захарли моддалар миқдорини иложи борича камайтиришга таллуқли. Бу масалалар устида қунт билан иш олиб борилмоқда.

Бугунги иқтисодий мураккаб шароитда республикамизнинг келажагини ўйлаб иш юритмоқдамиз. Келажакда халқ хўжалиги тармоқларини электр ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу тадбирларни Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукумат раҳбарлари қўллаб-қувватладилар.

Яқин истиқболда республика энергетикаси янада ривож топади. 1993 йилда Янги Ангрен ва Толлимаржон станцияларида янги қувватлар фойдаланишга топширилади. Бу мақсадлар учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш мўлжалланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам талай ишлар қилинади. Бу ерда 220 киловольт кучланишли электр узатиш тармоғи ва Беруний подстанцияси, Тошкентда «Сирғали», «Шимолий» қозонхоналари қуввати оширилади.

Юқорида қайд қилинган улуғвор ишларни амалга оширишда авлодлар анъаналарига садоқатли ишчилар ва мутахассисларимиз ғайратшижоат кўрсатмоқдалар. Улар орасида Бухоро иссиқлик тармоқларининг К. Ниёзов бошлиқ таъмирловчилар бригадаси, Қашқадарё электр тармоқларининг С. Нурманов бошлиқ, Андижон электр тармоқларининг С. Қорабоев бошлиқ бригадалари ҳам борки, бу жамоалар ўзларига биркитилган участкаларда электр машиналар, ускуналар ва жиҳозларнинг бир маромда ишлашига эришяптилар. Пешқадамларга «Олий малакали уста» унвони берилди. Йил якунларига кўра, юзга яқин энергетик «1 даражали уста» унвонига сазовор бўлди ва улар маоши 15—25 фоиз оширилди. Фарғоналик Баҳром Йўлдошев, навоийлик Нурилла Эргашев, тошкентлик Владимир Андрейченколарни байрам билан шундай қутлашди.

Энергиядан фойдаланувчиларга мурожаатимиз бор. Олдимизда қишки мавсум турибди. Шу боис уларни энергияни тежаб-тергаб сарф қилиш ҳақида жиддий чора-тадбирлар кўришга даъват этамиз. Корхоналарда энергияни тежаб ишлатувчи такомиллашган техника-ускуналардан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

М. ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири.

• Хатлар, хатлар, ичи тўла дардлар...

ХАЛҚ АЙТГАНИ ҲАҚ ЧИҚАР...

САҲИФА—СИЗНИКИ

Кимдир бировга ҳавас қилиб қўшиқ айтади. Яна кимдир қўлидан келганча шеър ёзади. Буни ҳаваскорлик дейдилар.

Бироқ ҳаваскорлик учунгина ҳечким редакцияга хат ёзмайди. Кўпчилик бунга мажбур бўлади. Холис танқиди ёки шикоятига мутасадди ўртоқлар беписанд қарашгач, уни редакцияга йўллайди.

Албатта, айнан бизга ишониб мактуб йўллаган обуначига ташаккур айтамиз. Қўлимиздан келганича уларга кўмаклашамиз ҳам. Аммо кимнингдир лоқайдлиги, эътиборсизлиги туфайли сарсон бўлаётганлар сафи камаймаётганлиги бизни ўйлантиради.

Ноябрда биз беш юзга яқин хат олдик. Уларнинг айримлари текшириб чора кўрилиш учун жойларга жўнатилди, кўп қисми газетада ёритилди ва ёритилмоқда.

Хўш, натижа нима бўлди, дерсиз. Бугунги саҳифамиз ҳам ана шу ҳақли саволга бир амалий жавоб десак, янглишмаймиз.

Марҳамат, ўзингиз йўллаган хатлар саҳифа шаклида ўзингизга мунтазир, азиз газетхон!

• КОНСТИТУЦИЯМИЗ—ФАХРИМИЗ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида мустақил давлатимиз Конституцияси ва мадҳияси қабул этилганлиги унутилмас тарихий воқеа бўлиб қолди.

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририятига!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар Кенгаши сизни Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси қабул қилиниши билан қутлайди. Фурсатдан фойдаланиб бу йилги обуна мавсумида сизнинг Қаршида **1424** та муштарийингиз борлигини таъкидлаймиз. Конституция лойиҳаси муҳокамалари даврида рўзноманинг жанговар чиқишлари ўз самарасини берди, деб ўйлаймиз. Барчангизни янги — 1993 йил билан қутлаймиз.

М. А. ТУРОБОВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгашининг биринчи котиби

ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ

Шу кунларда ким билан суҳбатлашманг, мавзу мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ҳақида эканининг шоҳиди бўласиз. Бизнинг маҳаллада ўтказилган йиғилиш ҳам мустақил диёримиз Конституциясига бағишланди.

Маҳалла фаоллари — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари Я. Иброҳимов, О. Обидов ва бошқалар ўз сўзларида Қомусимизда илк бор фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги аниқ ва равшан баён этилганлиги, унда инсонпарварлик, шахс, жамият ҳақ ҳуқуқлари алоҳида кўрсатилганлигини айтдилар. Улар Ўзбекистонимизнинг истиқлол ва истиқбол Қомусининг эзгу орзуумидларимиз, мақсадларимиз рўёбга чиқишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига табрик хати йўлланди. Унда, жумладан, қуйидаги дил сатрлари бор: «Ҳозир республикамиз машаққатли ва мураккаб йўлни босиб ўтмоқда. Бу йўл ҳаммамизда якдилликни, ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва меҳнат қилишни тақозо этади. Иншооллоҳ, бу ишлар яхши боряпти. Бизнинг камтарона меҳнатимиз ҳам шу улуғ йўлда сафарбар эканини Сизга яна бир бор изҳор этишдан бахтиёрмиз. Сизга узоқ умр, метиндек мустаҳкам ирода, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек буюк ишда улкан зафарлар тилаймиз».

З. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ХДП «Мевазор» маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби.
Тошкент шаҳри,
Собир Раҳимов райони.

ТЎҒРИ ГАПНИНГ ТЎҚМОҒИ

Самарқанд вилояти, Жомбой туманидаги Ўзбекистон кўчасида яшайман. Олти нафар фарзандим бор. Энг катта ўғлим 6-синфда ўқийди. Умр йўлдошим почтада хат, газета ташувчи бўлиб ишлайди. Мен ҳозирча ишсизман. Чунки икки йилдан бери халқ мени маҳалла котиблигига сайлаган. Афсуски, меҳнат таътилидан қайтсам, ўрнимга пенсионер Суюновни котибликка қўйишибди. Ҳайрон бўлдим. Ахир шунча йил ишласаму, мени асоссиз кўчага чиқариб ташлашса?!

Шаҳар Советига учрашдим (Тоштемировга). У эса муовини А. Ҳакимовга мурожаат қилинг, деди. А. Ҳакимов эса, ўрнимга бошқа киши тайинланганини таъкидлаб, мени чиқариб юборди. Ноиложликдан Жомбой ҳокими Келдиёр Исроиловга, вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмоновга ёзма равишда хат юбордим. Буни қарангки, менинг хатимни, аризамга қулоқ тутмаган шаҳар совети муовини Ҳакимовга йўллашибди. Албатта, у киши мендан ранжидилар. Лекин нолож. Бундан ташқари, маҳалла қўмитаси раиси яшаб турган томорқамдан икки сотихини ўзиники қилиб олиб қўйди. Икки йилдан бери судга бораман. БТИга, молияга қатнайман. Ҳаммаси Ҳакимовга келиб тақалади. Мана ўн ойдан бери ишламайман. Оилам ночор аҳволда.

Ишимни олсалар, еримни олсалар. Ўз ҳаққимни талаб қилсам, ҳеч кимга ёқмасам! Тўғри гап туққанингга ёқмайди, деб шуни айтишадими?

Эсонбой БЕКБУТАЕВ,
Самарқанд вилояти.

• Обуна-93

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Газета кундалик ҳаёт кўзгуси. Жамиятимизнинг кўп йиллик ҳаётини тушуниш, воқеалардан воқиф бўлишимда «Ўзбекистон овози» ҳамиша ҳамроҳ. Газета таҳририяти мурожаатини ўқиб жуда тўлқинландим. Оғир иқтисодий аҳволнинг матбуотни бундай қийин вазиятга солгани нақадар ачинарли. Севимли ва қадрдон «Ўзбекистон овози»га 1993 йил учун ҳам обуна бўлганимдан хурсандман. Ярим асрлик мухлисингиз сифатида севимли газетамиз ушбу оғир кунлардан тезроқ халос бўлишига тилакдошман.

Абдураҳмон ЗИЯТОВ,
Тошкент шаҳри.

•

«Ўзбекистон овози»га оиламиз илк марта обуна бўлди. Сабаби, ушбу газетада кейинги пайтларда эълон қилинаётган мақолалар унга бўлган муносабатимизни тамоман ўзгартириб юборди.

Биз ихтиёрий равишда оиламиз билан сизнинг ташвиқотчингизга ҳам айланиб қолдик.

Салом билан: Обиджон ХУДОЙҚУЛОВЛАР ОИЛАСИ.
Марҳамат шаҳри

• • •

«Қуруқ қошиқ оғиз йиртади», дейди халқимиз. Газета дегани халқнинг дилидаги гапларни айтолмас экан, унинг келажаги йўқ. Мана шундай дадил чиқишда давом этаверинг, азиз «Ўзбекистон овози» ходимлари. Ана шунда мухлисингиз ҳам, обуначингиз ҳам ортаверади.

Ушалардан бири: Равшанбек КИМСАНБОЕВ,
Қорасув шаҳри.

АНТИҚА ЖАВОБ

«ХАТИРЧИДА ХОТИРЖАМЛИК» «Ўзбекистон овози» (22. 10. 92.)

«Ўзбекистон почтаси» концерни Навоий вилояти Почта-алоқа ва матбуот тарқатиш давлат корхонаси маъмурияти Сизнинг рўзноманингизда чоп этилган (22. 10. 92 й.) «Хатирчида хотиржамлик» мақоласини муҳокама қилди.

Вилоят бўйича келгуси йил газета-журналларга обуна бўлиш барча алоқа бўлимлари ва белгиланган жойларда олиб борилмоқда. Обунанинг борили вилоят, шаҳар ва район ҳокимликлари томонидан назорат қилиняпти.

Корхона, ташкилот, муассасалар, давлат ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари ҳар беш кунда ҳокимликларга ишнинг борили тўғрисида маълумот беришади.

Бугунги кунда Зарафшон ва Навоий шаҳарлари ва Хатирчи ҳамда Конимех районларининг ҳолиси республика газета-журналларининг кўп сонларига обуна бўлишди...

Ҳақиқатан кексалар ва ёш болали оналарга тўланадиган нафақалар миқдори кам бўлган алоқа бўлимларида ва кам даромадли 10 та бўлимда ишчи ўринлари қисқартирилди. Бироқ, районнинг 18 бўлимида обуна қилиш ишлари олиб борилаётир.

Вилоятнинг бошқа жойларида ҳам газета-журналларга обуна бўлишин уюшқоқлик билан ташкил этилиши учун тадбирлар тузилган.

А. П. РОМАНОВ.

Навоий вилояти почта-алоқа ва матбуот тарқатиш давлат корхонасининг бошлиғи.

РЕДАКЦИЯДАН:

Мана, буни антиқа жавоб дейдилар. Ўртоқ Романов ёзувчилик қилсалар ҳам бўлар экан. Айниқса, фантастикада унга етадигани бўлмасди...

«Зарафшон, Навоий шаҳри, Хатирчи ҳамда Конимехда аҳоли газеталарга кўплаб обуна бўлишяпти», эмиш. Ахир, ёш болани ҳам бундай алдамайдилар. Математика деган фан бор. Унда эса аниқ рақамлар. Наҳотки, обуначилар сонини аниқ ёзиш шунчалик оғир юмуш бўлса?..

Эҳтимол чарчаб қолгандирсиз, бир жойда ишлайвериб ёки бу оддий паришонхотирликми?..

БИР МАВЗУГА ИККИ ЖАВОБ

ПЕШЛАВҲАЛАР ЎЗГАРТИРИЛДИ

⊙ «АВВАЛО, МИЛЛИЙ ҒУРУР КЕРАК», «ҲУРМАТМИ, ҲУРМАТСИЗЛИКМИ?» («Ўзбекистон овози», 19.09.92, 22.10.92.)

«Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Республика ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги қонунини амалга ошириш бўйича Давлат дастури ҳақидаги қарорни бажариш борасида бир қатор ишларни олиб бормоқда.

«Ўзбексавдо» уюшмасида ва унга бўйсунувчи ташкилотлар таркибида махсус комиссиялар тасдиқланган. Шу комиссиялар қонунни бажарилишини назорат қилади.

Ишлаб чиқарилган тадбирлар асосида ўзбек тилини билмайдиган ходимлар учун махсус курслар ташкил қилинди, махсус русча-ўзбекча сўзлашгич тузилди, норматив-техник ҳужжатларни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг пешлавҳаларини, улардаги мавжуд ахборотлар, эълонлар, нархномалар ва таомномаларни Қонуннинг 22-моддаси талабларига биноан ўзбек ва рус тилларида тайёрлаш ва бошқа бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбексавдо» уюшмаси, унинг қуйи ташкилотлари ва корхоналарида мажлислар, йиғилишлар, асосан, ўзбек тилида ўтказилмоқда. Бу борада ходимларга қулайлик яратиш мақсадида уюшманинг мажлислар зали синхрон таржима қурилмаси билан жиҳозланди.

Барча ташкилотларда муҳрлар, тамғалар, расмий иш қоғозлари давлат тилида тайёрланган. Ҳозирги пайтда барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг пешлавҳаларини Қонун талаблари асосида алмаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 19. 09. 92 йил «Аввало миллий ғурур керак» сарлавҳали мақоласидаги қайд қилинган камчиликлар хусусида шуни маълум қиламиз:

Мақолада кўрсатилган ёритиладиган пешлавҳа «Центральний магазин» дўкон ён томонида бўлиб, кириш томони тепасида «Марказий универмаги» деб ёзиб қўйилган. Шу жумладан, жумҳурият улгуржи-чакана «Олмос» савдо бирлашмасининг 1-дўконига — «Сафсар», 43-дўконга «Марварид» деб ном берилди.

«Тошкентсавдо» савдо ишлаб чиқариш концернига қарашли 80 фоиз савдо корхоналарида пешлавҳалар ўзбек тилида ёки икки тилда ёзилган. Концернга ва бирлашмага қарашли барча савдо шахобчаларининг маблағ билан боғлиқ бўлган чироқли пешлавҳаларини 1 январь 1993 йилгача кўриб чиқиш учун ёзма равишда кўрсатма берилди. Давлат тилини жорий этишни жадаллаштириш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

М. УСМОНОВ,
«Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси раиси.

ТАКРОРЛАНМАЙДИ

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 22 октябрь сонида босилган «Ҳурматми, ҳурматсизликми?» мақоласи Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги жойларни номлаш ва номини ўзгартиришни ўрганиш комиссиясида муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам баъзи жойларни номлаш ёки номини ўзгартиришда такрорланишларга йўл қўйилганлиги кўрсатилиб, бундан кейин мавжуд тартибга риоя қилинишини назоратга олиш комиссия аъзоларига топширилди.

Р. РАҲМОНОВ,
Вилоят ҳокимининг ўринбосари.

СУРАТДА: Обуначиларимиз ичида влог ўйнатувчилар ҳам бор...
Майдонда — ГУЛИ ЧЕҲРА.
С. МАҲКАМОВ олган сурат.

... ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

НОСНИ КИМ ТЕКШИРАДИ?

Ҳозирги қаҳатчилик бўҳронида сигаретнинг бир қутиси 50-70 сўм бўлганлиги туфайли бозорда носнинг нархи кундан-кун ошиб бир килограмми 110-120 сўмга кўтарилиб кетди.

Бу борада бир жумбоқ бор. Бу ҳам бўлса пулга тузоқ қўйган носфурушлар носни тамаки камлиги туфайли махорка аччиқ ўт (талхак) иссиқлардан ғўзапоя кулини, оҳакни, норсульфазолни, аспиринни янчиб, аралаштириб тайёрламоқдалар ва сотмоқдалар.

Дўхтирлар сут, қатиқ, гўшт маҳсулотларини текшириб сотишга рухсат берадилар, Носни эса ҳеч ким текширмайди. Натижада нос туфайли неча-неча кишилар нафаси қисилиб, қусиб, гаранг бўлиб юрибдилар, касалга чалинмоқдалар. Агар нос чекмоқ оммавий иллат бўлса, менинг бир таклифим борки, бу ҳам бўлса бирор ширкат ташкил қилиниб, тамакидан тайёрланган носни обдон текшириб, рухсат берилгач, дўконга ёки бозорга сотувга чиқарилса фойдали бўлур эди!

Болтажон СОДИҚОВ,
Термиз.

БИЗ ҲАҚДА БИЗГА ЕЗАДИЛАР

«МУТЛАҚО МАХФИЙ»НИ ЎҚИБ

Тўғрисини айтсам, «Ўзбекистон овози»ни кейинги икки йил ичида ўқимай қўйгандим. («Мутлақо махфий», 17 ноябрь 1992 й.) фельетонини ўқигач, газетага муносабатим ўзгарди.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳамон олийгоҳ ва техникумларда таниш-билишчилик бор. Шахсан ўзим Андижонда Олтинкўл кооператив техникуми борлигини энди эшитишим. Фельетон «қаҳрамони» М. Дадажонова вилоят ҳокими ўринбосарининг синглиси (эшитишимча) экан. Агар шу рост бўлса, фельетонда натижа нима бўларкин? Ахир, қайси акё ўз синглисини ҳимоя қилмайди дейсиз.

Газета орқали Андижон вилояти Давлат назорати қўмитаси ходимларига ташаккур билдиргим келди. Агар ҳамма вилоятларда ҳам шундай ҳалол назорат ўрнатилса эди, Ўзбекистонда ҳақиқат тўла тантана қилур эди.

«Ўзбекистон овози» жамоаси эса, ҳамиша шу йўсинда адолат жарчиси бўлиб қолишини истайман.

Одилжон НИШОНОВ,
Олтинкўл райони.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАЗОЛАНСИН

Биз ўз оила аъзоларимиз билан «Ўзбекистон овози» газетасининг 17 ноябрь сонида чоп этилган «Мутлақо махфий» сарлавҳали мақола-фельетонни ўқиб чиқдик. Аввало, бевосита Президентга бўйсунувчи Давлат назорати қўмитаси ташкил топганига хурсанд бўлдик. Қолаверса, бу рўзнома ходимларининг Олтинкўл кооператив техникумининг директори Мартаба Дадажонованинг қилмишларини аёвсиз фош этганидан мамнун бўлдик. Ахир, чаласаводлар болаларни қабул қилиш техникумга мустақил Ўзбекистоннинг келажагига пинҳона болта уриш билан баробар-ку!!! Албатта, бундай кишилар қилмишига яраша жазоланиши керак.

Сизлардан илтимос қилардикки, «Ўзбекбирлашув»нинг раҳбарлари Мартаба Дадажоновага қандай жазо берганини ҳам матбуотда эълон қилсангиз:

Салом билан:

Н. СОЛИЕВА.
Андижон шаҳри.

ОМАД ЕР БЎЛСИН

ТИЛАК

Дарёлар ирмоқчалардан бошланганидек шоирлар ҳам осмондан тушмайдилар. Улар ҳам сизу бизга ўхшаган ўйинқароқ болакайлар бўлишади, кейин барча иккиланишлар фасли ўсмирлик, ана ундан кейингина, агар насиб этса мухлислари қалбидан жой ола бошлайди.

Анваржон ҳозирча ўқувчи. У 1976 йилда туғилган. Булунғур районининг Сулоқчи қишлоғидан. Насиб этиб, бир кун катта шоир бўлиб кетса, илк шеърларим «Ўзбекистон овози»да чиққан, деб бир эслаб қўяр.

Биз унга омад тилаймиз!

ЖАВОБ

— Кеча дарсингдан
Неча олдинг, Эш!
— Мана опажон,
Иккитаси кам «беш».

ТУШИМДА

Кундалигимда
«5» экан чексиз.
Уйғониб кетсам
Туш экан, эсиз.

ҚУЗИЧОҚ

Бир нарсага ўйланиб
Келаман дўстлар ҳар чоқ.
Асли исмим Шодиявой
Лек ойим дер «қўзичоқ»!

ЭҲ, АТТАНГ...

— Кеча туғилган эчки,
Соқол қўйиб олибди.
Ордан кўп вақ ўтмай
Нега қариб қолибди!...

ТЎҒРИ ЖАВОБ

— Нега ширин бўлади
Болариннинг асали?
— Меҳнатдан келса неъмат,
Бўладида мазали...

ЕБ ҚЎЯР

— Жирафа бўйнин нега
Калта чиздинг ғиёсвой!
Қайқадир шошилиб,
Адашибсан ҳойнаҳой...
— Бўйин узун бўлса-чи,
Хафа қилар ҳамманн.,
Еб қўяди қоқдирмай
Суратдаги олманн.

КАМАЙИБ ҚОЛАР

Ақлингни кўп ишлатма,
Дўстинга дер Миравоб. —
Ҳадеб ишлатаверсанг,
Ақлинг қолар камайиб.

ЭРТАЛАБ

— Уйларингда эрталаб
Ким олдин турар Нозим!
— Ҳаммадан олдин турар
Менинг бабоқ хўрозим.

Анвар УМРЗОҚОВ,
Самарқанд.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ТУТЛАР «ТУТДЕК» ТЎКИЛМОҚДА

Маҳаллаларда ерларни кўкламзорлаштириш асосий вазифа ҳисобланади. Лекин бизнинг маҳалламиздаги ўттиз йил олдин экилган тутлар кимларгадир ҳалақит беряпти шекилли, кесиб ташланмоқда. Бунинг сабабига тушуна олмаяпмиз. Ахир, бу дарахтлар қаттиқ шамолни, чанг-тўзонни тўсиб турарди. Ёз вақтида неваралари-миз, болаларимиз ҳосилидан баҳраманд бўлишарди. Узимиз ҳам диққинафас тор уйлардан чиқиб, уларнинг соясида дам олардик.

Сизлардан илтимос, бизга ёрдам беринг. Йўқса тез кунлар ичида қолган дарахтларни ҳам кесиб ташлашади.

Тошкент вилояти, Қибрай райони Союз НИХИнинг «Ёшлик» маҳалласида яшовчилар номидан:

Д. Мирахмедов,
К. Сиддиқова,
Н. Юсупова.

• Ажаб савдолар

ҲАРОРАТГА ҚАРАБ

Бир литр мой оғирми ёки бир киломи?

Билмайсизми? Ай-ей-ей...

Қўриқ Пахтакор районидаги Чаманзор қишлоғи аҳолисидан эшитиб бўлмаса. Уларнинг ҳамқишлоғи Ҳ. Эгамбердиев шундай ёзади:

— Бизда ўсимлик мойини тарозида тортиб эмас, идишда ўлчаб сотилади. Чунки, бир литр мой ўртача 840 грамм оғирликка эга. Маълумки, ҳаво ҳарорати кўтарилган сари унинг оғирлиги камаяди. Ва аксинча, ҳарорат пасайса — оғирлик ортиб боради. Оғирлик ўлчови ўрнига ҳажмни қўлланилиши натижасида бир тонна мойдан **3200 сўм нақд фойда қолади...**

Хўш, энди нима дейсиз? Дўкон мудири «Менда айб йўқ» деб елка қисади. Чунки, омборчи РайПОда тарозида тортмасдан идишда ўлчаб беради-да, унга. У ҳам ўз навбатида шу қадимий усулда харидорга мой сотади. Қишлоқ аҳли эса ҳар ойда **(улар 4000 киши 320 кило кам мой олади!...**

КАЛИШИНГИЗНИ ТЎҒРИЛАБ ҚЎЙСАКМИ...

Энди мойни қўйиб турайлик-да, Тошкентнинг Ҳамза райони «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида истиқомат қилувчи ҳамюртларимиз додига қулоқ тутайлик.

— Даҳа бўйича «Ҳамза» номидаги кооператив ЖЭК томонидан аҳолига калиш тарқатиш рўйхати тузилган эди. Аммо даҳанинг 2-мавзесига қарашли 2 ва 7-уйларда яшовчилар рўйхати район ижроқўмига берилмаган. Районда савдо ишлари билан шуғулланувчи Б. Розиқов эса, рўйхатни фақат ЖЭК бошлиғи олиб келсин, деб талаб қилмоқда. ЖЭК бошлиғи Олим Юсупов тўғраларча бу ишни экспедиторга топшириб, бизни сарсон қилмоқда.

Қиш эшик қоқмоқда. Аммо 170 хонадон одамда битта ҳам калиш йўқ, деб ёзади улар номидан 74 ёшли меҳнат фахрийси — Аловиддин Юсупов.

Биз нима дердик, отахон. Калиш олиш қийин экан-да, шунақа. Бироқ, шикоятга жавоб олиш-биздан. «Жавоб»нинг таги сероб!

Лекин калиш — жиддий масала. Қиш ҳам бошланди! Ўйлаймизки, районда тузилган маҳалла қўмиталари ҳам бунга бефарқ қараб туришмас. Биз томондан ваъда аниқ: сохта жавоб ёзишса савдодаги кўзбўямачиларнинг калишини биргалашиб, тўғрилаймиз, Хуллас, ё унисиз, ё бунисиз нақд!

• Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти 60 йиллиги арафасидаги давра суҳбатидан

ҲОСИЛДОРЛИККА БИЗ ҲАМ ЖАВОБГАРМИЗ

Ислом КАРИМОВ:

Янги ерларни ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқлари, мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш орқали ҳосилдорликни ошириш учун маблағ топишга бутун чоралар билан ёрдам берамиз. Шундай қилиб ва замонавий чет эл технологиясини жорий этиш йўли билан республикада асосий экинлардан иқлим шароитлари айнан ўхшаш мамлакатлардагидан кам бўлмаган ҳосилдорликка эриша оламиз.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясидаги нутқидан).

ТАРИХНИ, лоақал яқин тарихни билмай туриб, истиқбол йўналишларини аниқ белгилаш қийин. Бу, ўз миллий давлати асосларини яратган, ўз Конституцияси, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган Ўзбекистон тадқиқотчиларига ҳам тааллуқли. Республика Олий Кенгашининг кейинги сессиясида бугунги иқтисодиётимизда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатимизда ҳам қишлоқ соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикамизнинг тараққиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир, деб алоҳида таъкидланди.

Таъкидга тан бериш керак. Дарҳақиқат, бизни қишлоқ боқади, маълум маънода қишлоқ эл-юртни қийинтиради. Деҳқончиликда ҳосилдорликни оширишда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти жамоаси ҳам муттасил мадад кўрсатиб келяпти. Шунга ҳам 60 йил бўлди. «Ўзбекистон овози» газетасининг давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

ОЛТМИШ ЙИЛНИНГ САБОҒИ

Институтнинг ишчан илмий ходимлари, зукко олимлари, ҳисобдон етакчи мутахассислари ўлкамизда қишлоқ хўжалигини, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш дастурларини оғишмай амалга ошириб келаётганликлари маълум.

Шундай бўлса-да, институт жамоаси рўёбга чиқарган айрим ишлардан муштарийларни хабардор этмаслик адолатдан бўлмас. Булар мулоҳаза юритиш, мушоҳада этиш туйғусини уйғотиши табиий.

● 1924 йил пахтачиликни механизациялаш дебочаси сифатида тарихга кирди. АҚШнинг «Фордзон» фирмасидан дастлабки 55 та трактор Ўзбекистонга келтирилди. Улардан тажриба тариқасида фойдаланишга киришилди.

● Тракторлар келтирилиши билан уларни синаш, тажриба, тадқиқот олиб бориш зарурати туғилди. Қишлоқ хўжалигини механизациялашнинг бошида илмий муассаса туриши керак эди. Шундай муассасалардан бири 1932 йили ташкил топди ва у Ўрта Осиё пахтачиликни механизациялаш ва электрлаштириш станцияси, деб аталди.

Россиянинг хом ашё ўлкаси саналган Ўзбекистондаги бу станция аввал Ўрта Осиё пахта қўмитаси бошқарувида, кейин филиал сифатида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти изимга берилган.

● Шу тариқа бу муассаса номи неча бор ўзгариб, ўзгалар қарамоғида бўлди. Лекин институт фаолияти мазмуни ўзгармади, пахтачиликни механизациялаш масалаларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаб беришдан иборат бўлиб қолаверди.

● Бу илмий даргоҳ ташкил топгандан буён турли пахтачилик машиналарининг тўрт авлоди яратилди. Аввал улов тортувчи оддий машиналар вужудга келтирилди, кейинчалик «Универсал» трактори, ғилдиракли ер ҳайдаш трактори (СХТЗ) билан агрегатланадиган трактор машиналари яратилди.

● Урушдан кейинги йилларда ва ундан сўнг чопиқ (ДТ—24) ер ҳайдаш тракторлари (ДТ—54) га тиркаладиган йиғим-терим машиналари вужудга келди. Бу, анча мукаммал машиналар мажмуи сифатида тарихда қолди. 7—8-беш йилликларда эса йиғим-теримни механизациялашда туб ўзгариш юз берди. Кучлироқ МТЗ ва Т—4 тракторларига мўлжалланган машиналар асосида кўпчилик иш жараёнларини механизациялаш тугалланди.

● Бора-бора институт жаҳон тан оладиган илмий ишлар қила бошлади. Буни ярмидан кўпи пахтачилик машиналарида қўлланилаётган 800 муаллифлик гувоҳномаси ҳам тасдиқлайди.

Ҳозир институтда 286 фан номзоди, 8 та фан доктори ва 4 академик етишиб чиққани ҳам буни кўрсатиб турибди.

ОЙДИН ИСТИҚБОЛ ДАЎВАТ ҚИЛМОҚДА

А. ҲОЖИЕВ,
институт директори, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги:

— Куни кеча ўз ишини муваффақиятли якунлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси ўлкамиз меҳнаткашлари, жумладан техника зиёлилари учун ҳам тарихий воқеа бўлиб қолди. Тарихийлиги шундаки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ўз Бахт Қомуси — Конституциясини қабул қилди. Сессияда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳозирги фаолияти чуқур таҳлил этилиб, тармоқни устун даражада тараққий эттириш йўналишлари белгилаб берилди.

Институтимиз 60 йилдирки, қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш ва электрлаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Яширмайман, бу соҳада катта ютуқларга эгамиз. Жумладан, суғориладиган ҳудудларда ер ҳайдаш технологияси илмий жиҳатдан асослаб берилди. Жамоа мутахассислари яратган икки ярусли плуглар шунга имкон берди. Бундан ташқари, кўп йиллик, бир йиллик бегона ўтларга қарши кураш технологияси ҳамда назарияси, чиғитни аниқ миқдорда экиш назарияси ва технологияси, пахтани машинада териш асослари деҳқончиликда катта ўзгариш ясади.

Шу назарий ва амалий асосларга таяниб, бизнинг илмий жамоамиз мавжуд технологияларни такомиллаштиради ва мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшади. Мустақилликни мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссамиз шундай бўлади. Зотан, Ўзбекистон Конституцияси берган кафолатлар илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишга даъват этмоқда.

МАҚСАД — ЮҚОРИ НАТИЖАГА ЭРИШИШ

М. АУГАНБОЕВ, институт пахта териш аппаратларини яратиш лабораторияси раҳбари, техника фанлари номзоди: — Пахта табиатан истиқболи ҳақида маслаҳатлашаётган пайт. 2. Бўлим раҳбари В. Батурин ёш илмий ходим Б. Эшниёзов билан. 3. Институт лабораториялари раҳбарлари Р. Мирсаидов, М. Аугамбоев ва катта илмий ходим И. Ҳусанов.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

чи марта вертикал-шпинделли пахта териш машинаси яратилди. У «Ташсельмаш» заводида аввал «СХМ-48», кейинчалик «СХМ-48 М» ка толали пахта тайёрлаш суръатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

1977 йилдан ерга тўкилган пахтани йиғиштириб оладиган машина яратилди. Ҳозир мавжуд терим машиналарини такомиллаштириш, универсал терим агрегатларини мукаммаллаштириш устида жадал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу жабҳада техника фанлари доктори В. Шполянский, фан номзоди С. Ўсаров, И. Ҳусанов ва бошқалар фаол ишламоқдалар. Тўрт қаторли ўзиюрадиган машина самарадорлигини ошириш устида қилинаётган тадқиқотлар истиқболли эканини таъкидлаш лозим. Ғўза тупига фақат бир томонга айланиш билан ишлов берадиган териш аппаратини яратиш ҳам охирламоқда. Академик Н. Рашидов бошчилигидаги гуруҳнинг бундай аппаратлари яхши натижа бериши умид уйғотмоқда.

Ўз мукаммал Конституциясига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси пахтани машинада териш даражасини 95—97 фоизга етказа оладиган фурсат унча узоқ эмас.

С. СУЛТОНОВ, конструкторлик бўлими раҳбари, техника фанлари номзоди:—1957 йили ташкил топган 9 кишидан иборат жамоамиз юбилейолди кунларида айтса арзийдиган талай ишлар қилди.

Пахтачилик машиналарини созлашга мўлжалланган дастгоҳ ва мосламалар деҳқон юмушини енгиллаштираётганидан мамнунмиз. Каноп пўстлоғини ажратиб олувчи машиналар намунаси, трактор поездларни электр узаткичлар ёрдамида ҳаракатлантириш, ғўзапоя йиғиштирувчи ва майдаловчи машиналар қишлоқ меҳнаткашлари томонидан яхши кутиб олингани бизга далда бермоқда.

Л. ШУРОВА, суғоришни механизациялаш бўлими раҳбари: — Қишлоқ хўжалигида сувни тежаб-тергаб ишлатиш ҳамиша биринчи даражали иш бўлиб келган.

Нов ариқлар ёрдамида суғориш, айниқса тежамли бўлиб чиқди. Шу технология Тошкент, Сирдарё, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги 4000 гектар майдонда яхши натижалар бермоқда. Томчилатиб суғориш Тошкент, Сирдарё вилоятлари далаларида кенгайиб бораяпти. У йил сайин 2—2,5 минг гектарни ташкил этмоқда. Шундай усулда суғоришни яқин фурсатда 1 миллион гектарга етказамиз.

МУХБИР ШАРҲИ:

Давра суҳбати қатнашчиларининг суҳбатида илм-фан билан иқтисодиётнинг эгизаклиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Бундай эгизаклик мустақил Ўзбекистон тараққиётига фан қўшадиган ҳиссани кўпайтиришни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кейинги сессиясида кўрсатиб ўтилдики, давлатга қарашли бўлмаган сектор республика иқтисодиётида тобора сезиларли аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳосил қилинган миллий даромадда бу секторнинг улуши ҳозирдаёқ тўртдан бир ҳиссадан кўпроқни ташкил этди. Фермер-деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва шахсий томорқа участкалари майдонларини кенгайтириш мақсадида жамоат секторидан салкам 700 минг гектар ер аҳолига топширилди.

Шунча экин майдонларининг аҳолига топширилиши етук ёшини нишонлаётган институт мутахассислари зиммасига катта масъулият юклайди. Чоғроқ экин майдонларида ишлайдиган кичик механизация воситаларига деҳқон — боғбон, сабзавоткор, чорвадор эҳтиёжи ортиб бораётганини инобатга олиш керак.

Катта-кичик механизация воситаларини тадқиқ этувчи институт жамоаси олдида яқин истиқболни кўзлаб иш тутиш вазифалари оз эмас. Тўғри, деҳқончилик ишлаб чиқаришининг талаблари катта. Бу тармоқни механизациялаш тажрибаси бой. Лекин чекланган маблағ билан имкониятлардан тўғри фойдаланиш керак. Чунки нархи ошиб кетган девкор машиналарни энди ҳамма хўжалик ҳам дарҳол сотиб ололмайди. Шунинг учун яқин келажак тадқиқотларида кичик механизация воситалари яратишнинг деҳқончиликдаги бош йўналишларини аниқ белгилаб иш тутиш лозим.

Танглайримиз пахта билан кўтарилган экан, бу тармоқ ишини механизациялашни оқилона йўлга қўйяпмиз. Биринчи галда техник-иқтисодий кўрсаткичлари юқори, кўпроқ самара берадиган техник воситалар яратиш йўли танлаб олиниши зарур. Бугина эмас, техник воситалар ҳақида тадқиқот олиб борганда унинг электрни тежаш, атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган, тупроқни асраш, қувватлар кам сарфланиши жиҳатларини олдиндан обдон чамалаш ҳам керак.

Қишлоқ хўжалигига бир ёқлама ёндашувдан воз кечиш пайти келди. Пахтачилик билан бирга, боғдорчилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, чорвачиликни ҳам механизалиялаш учун вазият пишиб етилди. Ахир, фақат пахта маҳсулотлари билан қорнимиз тўймайди-ку!

Ган олиш керакки, экишдан олдин тупроққа ишлов беруви, экинни парваришлаш паллаларида қўлланиладиган технологиялар охиригача тўла такомиллаштирилмаган. Бу талаб ҳосилни йиғиштириб олувчи машиналарга ҳам тааллуқли, албатта. Етиштирилган ҳосилни ортиш-ташиш ва туширишда жараёнларида қўлланиладиган механизация воситалари ихчамлиги, чаққон ишлаши каби масалалар ҳам борки, буларни ҳал этиш мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти гуркираб тараққий этишига мадад беради, албатта.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

КУЗ ТЕГМАСИН

● **Дилфуза Тошанова Жарқўрғондаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш заводининг ишчиси. Демак, у темирни темирга пайванд қилиб, бетон қоришма қуяр экан, деб ўйламанг, таҳ.**

У Зиёда, Дилфуза деган дугоналари билан Наманган шаҳрига, бориб касб ўрганди. Атлас тўқийдиган бўлди. Мана бугун ўзи мустақил атлас тўқияпти. Ҳунарини бошқаларга ўргатаяпти.

Дилфуза фақат ҳунар ўрганишга эмас, халқ қўшиқларига, халқ амалий санъатига қизиқади, Қўнғирот элининг расм-русмлари, удумларини ҳурмат қилади. Қарасаки, ишлари юришмаяпти. Хаёлига бир гап келди — дастгоҳига ялтиллатиб кўзмунчоқ осиб қўйди. Ундан кўриб бошқалар ҳам шундай қилишди. Шундан бери бирам қўллари енгил...

Завод қошидаги гилам тўқувчиларнинг ҳам кайфияти яхши — биринчи гиламни ўздилар. Бу цехда йигирмата Хива усулида гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатилди.

— Гиламу атлас тўқийдиган ип-арқоқ ва бошқа ашёларни ҳам ўзимизда тайёрлаш ҳаракатини қилаяпмиз, — дейди завод директори Зокир Рамазонов. — Хивадан жун тарайдиган иккита моки келтирилди. Челябинск шаҳридан урчуқ тароқ, қайчи олиб келамиз. Жунни бўяш устахонасини очамиз. Яқин орада ўй лакча-гилам тўқишга киришамиз.

Яна бир янгилик. 400 квадрат метр кенгликда лимонхона қурдик. Лимон, апельсин ўстиряпмиз. Шаҳарда магазин очиб, ўзимизнинг маҳсулотларимизни сота бошлаймиз.

О. УСАНОВ.

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА

● **Гурлан районининг «Амударё (собиқ Киров) номли жамоа хўжалиги ҳудудида миллий Хоразм нақшлари билан сайқалланган муҳташам бир бино қад ростлади.**

Бу — район жамғарма банкининг соғломлаштириш маскани. Дарёнинг сўлим соҳилида бунёд этилган бу кўркам иморат жамоанинг ўз кучи ва маблағи ҳисобига қурилиб, ишга туширилди. Вилоят жамғарма банкининг бошқа тизимлари жамоалари ҳам ўз улушини қўшди. Мўъжазгина иссиқхона ҳамда ёрдамчи хўжаликларига эга бўлган бу масканнинг яратилишига бор-йўғи 500 минг сўм сарф этилди. Барча қулайликларга эга бўлган мазкур профилакторийда тизим ходимлари оилавий даволаниб, саломатликларини мустаҳкамлаш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш имконига эга бўлишди.

Э. МАДРАҲИМОВ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

Жамғарма Банки

30 декабрь соат 10.00 да

ТОШКЕНТДАГИ САНЪАТ САРОЙИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ УЧИНЧИ ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Заём облигацияларини сотиб олишга шошилинг! Янги йил арафасида энг йирик ютуқ 250 000 сўм сизга насиб этса ажаб эмас.

Заём облигациялари Жамғарма банкининг барча муассасаларида эркин сотилади ва сотиб олинади.

БИККС

АГАР СИЗ НОЗИК ДИД ВА ЕТАРЛИ МАБЛАҒ СОҲИБИ БЎЛСАНГИЗ ВА СИЗНИНГ ХИЗМАТ БИНОИНГИЗ ТАЪМИРТАЛАБ БЎЛИБ ҚОЛГАН БЎЛСА, ДЕМАК СИЗ БИЗБОП МИЖОЗ ЭКАНСИЗ!

Фақат «БИККС»дагина қуйидаги манзарали пардозлаш элементларининг тўлиқ тўплами бўлиб, уни зарур манзилга элтиб ва ўрнатиб берилади:

ЗАРҲАЛ ВА ОҚ ТУСЛИ АЛЮМИНИЙДАН ТАЙЁРЛАНГАН ОСМА ШИФТЛАР;

АНСАМБЛГА БЕТАКРОР ЕРУҒЛИК САМАРАСИНИ БАХШ ЭТУВЧИ АЖОЙИБ ШАМЧИРОҚЛАР;

МАРМАР, МАЛАХИТ ВА БОШҚА АСЛ ТОШЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТУРЛАРИГА МОС РАНГЛАРДАГИ ВА ҲАР ХИЛ ЎЛЧАМЛАРДАГИ «ЭКОГРАН» ПАРДОЗЛАШ КОШИНЛАРИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-уй. «Алина» кичик жорий этиш корхонаси.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 90-94-85, 98-64-53, 68-70-35.

«АЛИНА» КИЧИК ЖОРИЙ ЭТИШ ҚОРХОНАСИ.

«САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«БАРС» савдо уйи акционерлик жамияти Тошкент омборларида «Опал», «Родопи», «Стюардесса», «ВТ» булғор сигаретларининг улгуржи туркумларини таклиф қилади.

Тўлов исталган шаклда.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси 16.

Телефон: 55-90-15, 45-91-46.

«ЗУҲРА»

КЎПТАРМОҚЛИ КИЧИК КООПЕРАТИВИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

чўян радиатор,
турли хил металл,
цинкали белила (бочкада),
голландия технологиясида ишлаб чиқарилган 1,20х3,60 ўлчамли, қалинлиги 12 миллиметрли ДСП

СОТАДИ

ва шунингдек мижозлар буюртмалари бўйича МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси, 33 А уй.

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
Тошкентда: 97-96-71, 97-64-88.
Москвада: (095) 208-16-77, 975-10-53.

Диққат!

Тошкент «ЮЛДУЗ» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси қурувчилар учун юк туширишда ва ортишда ҳамда бошқа юмушларни бажаришда қулай жун астарли жомакор қўлқопларни бозор баҳосидан арзонроқ нархда сотади.

Буюртмалар чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Бирлашма манзилгоҳи: 7000000 Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар: 36-16-12, 34-06-32.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника дорилфунуни ректорати, касаба иттифоқи ташкилоти ва фалсафа таҳсилгоҳининг жамоаси доцент

Муаззам ЖАББОРОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва журналистлар жамоаси.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: А. БОЛИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси. 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.00. Г — 512. № 251. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.